

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тијорат Халқ банки
акциядорларининг йиллик умумий
йигилиши карори билан
2020 йил 18 сентябрдаги
2 - сонли баённома



Т.А. Ишметов
Кузатув кенгаси Раиси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНинг
УСТАВИ
(янги таҳрир)**

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2020 йил “9” ноябрь
25 - сон билан



Б.Э. Захидов
Марказий банк Раисининг
биринчи ўринбосари

Тошкент – 2020 йил

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тијорат Халқ банки (кейинги ўринларда “Банк” деб аталади), Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тұғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзжамғармабанк”ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тұғрисида”ги 1995 йил 4 октябрь 386-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

2. Банкнинг фирма номи:

давлат тилида: тұлық – “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тијорат Халқ банки”, қисқартирилган ҳолда - Халқ банки;

лотин алифбосида номи: тұлық – “Ozbekiston Respublikasi aksiyadorlik tijorat Xalq banki”, қисқартирилган ҳолда - Xalq banki;

рус тилида: тұлық - “Акционерный коммерческий Народный банк Республики Узбекистан”, қисқартирилган ҳолда - Народный банк;

инглиз тилида: тұлық - “Joint-stock commercial Xalq bank of the Republic of Uzbekistan”; қисқартирилган ҳолда - JSC Xalq bank.

Банк ўз фирма номидан мутлак фойдаланиш ҳукуқига эга.

3. Банк акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

4. Банк юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўзининг филиаллари ва алохидан бүлинмелари билан ягона тизимни ташкил этади. Банк ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алохидан мол-мулкка эга бўлади.

5. Банк аҳоли омонатларининг сақланиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи мулкий, молиявий, бошқа мажбуриятлар ва талаблар бўйича “Ўзжамғармабанк”нинг ҳукукий вориси ҳисобланади.

Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобвараклари очишга ҳақлидир.

6. Банк ўз фирма номи тұлық ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган думалоқ мухрга шунингдек, штампларга, ўз номи давлат тилида ва бошқа тилларда ёзилган бланкаларга, тимсолига эга бўлади. Банк ўз эмблемасига (хизмат кўрсатиши белгисига) ва хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлади.

7. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига шунингдек, мазкур Уставга амал қиласди.

8. Банк мулки етишмаганда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси аҳоли омонатларининг сақланишини кафолатлайди ҳамда банкнинг омонатчилари -- жисмоний шахслар олдирадиги мажбуриятлари бўйича акциядорларнинг устав жамғармасидаги бадалларига мутаносиб равища жавоб беради.

9. Банк ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкий ва номулкий ҳукукларни амалга оширади, мажбуриятлар олади, судда даъвогар ҳамда жавобгар бўлади.

10. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида амалга оширади.

Банк чекланмаган муддатта тузилади.

11. Банкнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент шаҳри, Катортол кўчаси, 46.

Банкнинг электрон почта манзили: info@xb.uz.

2-БОБ. БАНКНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

12. Жисмоний ва юридик шахсларга кенг доирадаги юқори сифатли банк хизматлари ва бошқа хизматларни кўрсатиши, шу жумладан кўрсатиб ўтилган шахслардан пул маблағларини

омонатта жалб қилиш, кредит-хисоб-китоб ва бошқа хил банк операцияларини амалга ошириш шунингдек, ўз фаолиятидан фойда олиш Банк фаолиятининг асосий мақсади хисобланади.

13. Банк амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ қуидаги операцияларни амалга оширади:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тұловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақdsiz шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бүйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини күрсатиши;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хукукини олиш (факторинг);

қимматли қоғозларни чықариш, харид қилиш, сотиши, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажарыш;

аффинланган қимматбақо металлар сотиб олиш ва сотиши, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг әгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбақо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиши;

хосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

хужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун маҳсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун хужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари күрсатиши;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чықариш, улардан фойдаланиш ва тұлаш;

банк карталарини бериш ва тұловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргалиқда хизмат күрсатиши;

халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда маҳсус күрсатилган операциялар;

банклар ва банк фаолияти тұғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

14. Банк банк фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензияда күрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Банк бевосита ишлаб чықариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тұғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу банднинг биринчи қисмида күрсатилган чеклов қуидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

ўз активларини сотишга;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

Банк юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларида (устав капиталларида) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қўйидагилар мустасно:

кредит, сұғурта ва лизинг операцияларини професионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида професионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюролари;

қимматли қоғозларнинг иккиласи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Ушбу банднинг учинчи қисмiga мувофиқ банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондида (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак.

Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йигиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондида (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичиди сотиши шарт.

Банк ўз устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталидаги) иштирок этиш тақиқланади.

Ушбу банднинг талаблари Банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондида (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни Банк томонидан кўшиб юбориш ёки кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш холларига нисбатан татбиқ этилмайди.

15. Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинадиган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.

Банк ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банкка аризани ва ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини кўрсатган ҳолда банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини белгиланган тартибда тақдим этади.

3-БОБ. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

16. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини, шунингдек холдингларни ташкил этишда ва уларнинг фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида катнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар шунингдек, унинг ташқарисида шўъба банклар очиш ҳамда филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;

ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўшма дастурларни амалга ошириш учун банк гурухларида, уюшмаларда ва бошқа бирлашмаларда катнашиш;

кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори банк томонидан мустақил белгилаш;

шартнома асосида пул маблағларини депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб этиш ва маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш, ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобвараклари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

бюджетта ва давлатнинг мақсадли фондларига барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан заҳиралар ва фонdlар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

молия ва хўжалик органларида корхоналар ва ташкилотлар манфаатларини уларнинг ишончномалари бўйича ифодалаш;

лицензияда ва ушбу Уставда назарда тутилган, ўз молиявий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

17. Банк қуидагиларга мажбурдир:

маблағларни Марказий банкда заҳирага қўйиш ва белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилиш бўйича Марказий банк томонидан белгиланган талабларни бажариш;

актив жумладан, кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимол тутилган заарларни коплаш учун Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда заҳиралар ташкил этиш;

гаровнинг (шу жумладан мол-мулк шаклидаги гаровнинг), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олиб, бериладиган кредитлар таъминланишининг ички норматив тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

банк хизматларининг истеъмолчилари банкни ва банк хизматларини танлашда эркинлиги тамоилига риоя қилиш;

Банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

Банк ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиш;

Банк акциядорлари реестрини шакллантириш тұғрисида Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси билан келишув тузиш (имзолаш);

конун хужжатларига мувофик банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш;

шартномага мувофик мижознинг ҳисобварагига тушаётган пул маблағларини қабул килиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварагидан тегишли пул маблағларини үтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварак бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш;

Банк хизмати истеъмолчилари мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилини ўз ичига олган тартибга эга бўлиши ва мурожаатларни амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқиши;

Банк бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатига мувофик ташкил этади ва юритади;

Банк жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этади;

банклар ва банк фаолияти тұғрисидаги қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларни бажаради.

4-БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

18. “Фуқароларнинг жамғарив бориладиган пенсия таъминоти тұғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик Банк жамғарив бориладиган пенсия тизимида катнашадиган фуқароларни ҳисобга кўяди.

19. Жамғарив бориладиган пенсия тизимининг зарур тарздаги фаолиятини таъминлаш Банкнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, Банк ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўйидаги хуқуqlарга эга бўлади:

якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш учун жамғарив бориладиган пенсия бадалларини омонатга қўйювчилардан зарур маълумотларни олиш;

жамғарив бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромаддан маржа олиш. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Банк жамғарив бориладиган пенсия тизимининг фаолиятини таъминлаш бўйича юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидагиларга мажбурdir:

қонун хужжатларида белгиланган тартибда якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш;

якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларига бадалларнинг ва ҳисобланган фоизларнинг шахсий ҳисобини юритиш;

жамғарив бориладиган пенсия бадаллари ва фоизлар якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда үтказилишини таъминлаш;

жамғарив бориладиган пенсия тўловлари миқдорлари ўз вақтида ва тўғри аниқланишини шунингдек, уларнинг олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаш;

якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларидаги маблагларнинг сақланишини, кўрсатиб ўтилган маблағларни молиявий воситаларга жойлаштириш ва улардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан уларнинг кўпайтирилишини ҳамда инфляциядан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

фуқароларни уларнинг якка тартибдаги жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларининг ҳолати тұғрисида ҳар йили ва уларнинг мурожаатига кўра хабардор килиш;

якка тартибдаги жамғарib бориладиган пенсия хисобваракларига тегишли бўлган хужжатлар ва ёзувлар сақланишини таъминлаш.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ Банк бошқа ҳукуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятлар олиши мумкин.

20. Банк жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида хисобини юритади.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағлари Банк томонидан жамғарib бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш учун фойдаланилади. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғарib бориладиган пенсия тизими билан боғлик бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

21. Кўпайтириш ва инфляциядан ҳимоя қилиш мақсадида жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан Банк томонидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида шунингдек, молия воситаларига жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Банк жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланади.

Банк томонидан жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини молия воситаларига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

5-БОБ. БАНК МАБЛАҒЛАРИ, МОЛ-МУЛКИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

22. Банкнинг ўз маблағлари:

устав капиталидан;

захира фондидан;

тақсимланмаган фойдадан;

Банк акциядорлари умумий йигилиши ва Кузатув кенгashi қарорига кўра шакллантириладиган бошқа фондлардан ҳосил бўлади.

23. Банкнинг устав капитали микдори 1 869 073 136 000 (бир триллион саккиз юз олтмиш тўққиз миллиард етмиш уч миллион бир юз ўттиз олти минг) сўм микдорида белгиланган. Ушбу сумма номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 1 869 073 136 (бир миллиард саккиз юз олтмиш тўққиз миллион етмиш уч минг бир юз ўттиз олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялarga бўлинади.

24. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон килинган (кўшимча) акциялар суммаси 8 130 926 864 000 (саккиз триллион бир юз ўттиз миллиард тўққиз юз йигирма олти миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг) сўм бўлган, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 8 130 926 864 (саккиз миллиард бир юз ўттиз миллион тўққиз юз йигирма олти минг саккиз юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.

25. Банк соғ фойдадан захира фондини ташкил этади. Банк қонун хужжатларига мувофиқ бошқа фондларни шакллантиришга ҳаклиdir.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди банкнинг зарарлари ўринини қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

26. Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

27. Банкнинг мол-мулки ўзига тегишли бўлган бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа моддий ва номоддий бойликлардан иборат бўлади.

28. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

банкнинг ўз маблағлари;

грант маблағлари;
мижозларнинг депозит ҳисобвараклардаги маблағлари;
бошқа банклар кредитлари;
молия институтларининг кредит линиялари ва депозитлари;
облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариш натижасида олинган маблағлар;
қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамгариб бориладиган пенсия тизими
маблағлари;
жалб килинган бошқа маблағлар.

6-БОБ. БАНКНИНГ АКЦИЯЛАРИ, БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

29. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган оддий акциялар ҳисобланади ва электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидағи ёзувлар тарзида хужжатсиз шаклда чиқарилади.

30. Банкнинг акциядорлари қонун хужжатларида шунингдек, ушбу Уставда назарда тутилган қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

банкнинг молия фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

амалдаги қонун хужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

31. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси акциядорга бир хил ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Акцияларга ҳақ тўлаш қонун хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Банкнинг тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди ва овозларни санашда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди. Бундай акциялар улар Банк тасарруфига ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан кечикмай сотилиши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган тартибда устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор кабул килиши керак. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Банк амалдаги қонунчилик талаблари асосида устав капиталининг ўн фоизидан ошмаган микдорда ўз акциялари сотиб олиши мумкин.

32. Банк қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда очиқ ва ёпик обуна ўказиш йўли билан қўшимча акцияларни жойлаштиришга хақлидир.

33. Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш ва шакллантирилган реестрни саклаш банк ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириги ҳамда акциядорларнинг ёзма мурожаати асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санада шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топширикда кўрсатилади.

34. Банк қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ташқарисида облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариши мумкин.

7-БОБ. БАНК ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ

35. Банк соф фойдаси қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Банк даромадидан тегишли соликлар, бюджетта бошқа мажбурий тұловлар тұланади.

36. Банкнинг соф фойдаси Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан Банкнинг захира фонди ва бошқа фондларини шакллантиришга йұналтирилади, акциядорлар үртасида дивидендлар шаклида тақсимланади шунингдек, қонун хужжатларига мувофик бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Банк устав капиталининг үн беш фоизидан кам бұлмаган міңдорда захира фонди ташкил этилади. Банкнинг умумий захира фонди белгиланған міңдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

Банкнинг умумий захира фондига ажратмалар міңдори ҳар йилги тақсимланадиган соф фойданинг беш фоизидан кам бұлмаслиги керак.

Дивидендлар банкнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) үтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тұланади.

37. Банкнинг ҳисобот йилида күрган зарари банкнинг тегишли ёки умумий захира фондларидан шунингдек, ушбу захира фондларидаги маблағлар етмаган тақдирда аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан белгиланған тартибда қопланади.

38. Банк акциядорларга дивидендлар тұлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланған талабларга мувофик бұлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилғанда;

банкротлик бұлғанда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида банкротликнинг алматлари юзага келғанда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бұлған күрсатмасыда акс эттирилған, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида күрсатилған камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бұлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тұгрысида банкка нисбатан талаби мавжуд бұлғанда.

Банк фойдани тақсимлаш учун қуидаги ҳолларда Марказий банкнинг розилигини олади:

акциядорларга дивидендлар тұлаш, шунингдек банкнинг Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлаш бүйіча тұловларнинг умумий суммаси банк капиталининг үн фоизидан ортиғини ташкил этганды;

жорий ёки үтган чоракда ва (ёки) молия йилида зарап мавжуд бұлғанда.

8-БОБ. БАНКНИ БОШҚАРИШ

39. Қуидагилар Банкни бошқариш органлари ҳисобланади:

Акциядорлар умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Банк бошқаруви.

40. Акциядорларнинг умумий йиғилиши (кейинги үрінларда “Умумий йиғилиш” деб аталади) Банк бошқарувининг юқори органи ҳисобланади.

41. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуидагилар киради:

а) Банк Уставига ұзгартыриш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳирдаги Банк Уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) банкнинг устав капиталини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини олиш;
- з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк бошқаруви раисини тасдиқлаш;
- и) Банкнинг тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш, Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- к) Банкнинг йиллик бизнес-режасини ва йиллик ҳисботларини, шунингдек Банкнинг урта ёки узок муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;
- л) Банкнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- м) Кузатув кенгаши аъзоларига бериладиган ҳақ ва уларнинг ўз функцияларини бажаришлари билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш миқдорини белгилаш;
- н) Умумий йигилиш регламентини тасдиқлаш;
- о) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- п) Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк бошқаруви, Ички назорат тизими, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- р) қонун хужжатларига мувофиқ йирик битимлар ҳамда аффилланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш;
- с) Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшлиш;
- т) имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида қонун хужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- у) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ф) қонун хужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

42. Умумий йигилишнинг ваколатига тегишли бўлган масалалар Кузатув кенгашига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

43. Умумий йигилишнинг ваколатига тегишли бўлган масалалар Банк бошқарувига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

44. Умумий йигилишда қарорлар йигилишда қатнашган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун хужжатларига мувофиқ бир овоздан (малакали кўпчилик) қарор қабул қилиш талаб қилинадиган масалалар бундан мустасно.

45. Умумий йигилишлар йиллик (ҳисбот) ва навбатдан ташқари йигилишлар тарзида ўтказилади. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига умумий йигилиши ўтказилиш санасидан камида ўттиз кун олдин масалалар киритишга ҳамда Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

46. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишлари ҳар йили молиявий йил тамом бўлгандан кейин камида 2 ойдан кейин ва б ойдан кечикмай чақирилади. Одатда йиллик умумий йигилишлар июнь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

47. Умумий йиғилишда Кузатув кенгашининг раиси раислик қилади, у бўлмаганда эса Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири раислик қилади. Акциядорнинг вакили ҳам Умумий йиғилишда раислик қилиши мумкин.

48. Акциядорларнинг ҳисобот Умумий йиғилишида мажбурий тартибда Банкнинг ийллик бизнес-режаси, ийллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар ҳисобвараги, фойда ва заарларни тақсимлаш ва белгиланган тартибда кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилади. Умумий йиғилишни ўтказиш санаси ва тартиби, унинг ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби, Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида акциядорларга бериладиган материаллар рўйхати Кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

49. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек, ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг қамида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Банк Кузатув кенгashi Марказий банк томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ва кун тартибига киритилиши белгиланган масалаларни, шу жумладан банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Агар мазкур талаб бажарилмаган тақдирда Марказий банк, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши ва кун тартибини белгилаши мумкин.

Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг қамида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Кузатув кенгashi томонидан амалга оширилади.

50. Умумий йиғилиш Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ўтказилади.

51. Кузатув кенгashi Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Умумий йиғилишнинг ваколатига тегишли бўлган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

52. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

1) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисботини мунтазам равишда эшишиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) корпоратив бошқарув сиёсатини (қоидаларини), банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат килиш;

3) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

4) ийллик ва навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишларни чақириш, конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш;

7) Банк Уставига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш (ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш) тўғрисида таклифларни кўриб чиқиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

8) Банк бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- 9) Банкнинг корпоратив облигациялари, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек, бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 10) Бошқарув аъзоларига тұланадиган ҳақ ва компенсация микдорини белгилаш;
- 11) Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тұланадиган мукофотлар ва компенсациялар микдори бүйича тавсиялар бериш;
- 12) Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш бүйича қарор қабул қилиш;
- 13) Банкнинг ички аудити тұғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 14) Банк бошқаруви фаолияти тұғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш;
- 15) банкнинг филиалларини ва ваколатхоналарини ташкил этиш (тугатиши) тұғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 16) Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларни күриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий үйиғилиши үтказиладиган санадан үн кундан кечиктирмай (олдин) дастлабки тарзда тасдиқлаш;
- 17) акциялар бүйича дивидендлар микдори ва уларни тұлаш шакли ва тартиби бүйича тавсиялар бериш;
- 18) Банк мол-мулкининг бозор қыйматини белгилашни ташкил этиш;
- 19) Банкнинг шұйба ва қарам бұлған корхоналарини ташкил этиш ҳамда корхоналарга улуш киритиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 20) ҳар чоракда Банк бошқаруви раисининг банк фаолияти натижалари тұғрисидаги маъruzаларини ҳамда банк ички аудити хизмати раҳбарининг ҳисоботларини эшлиши;
- 21) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
- 22) Аудиторлық текширувini үтказиши (мажбурий аудиторлық текшируви бундан мустасно), аудиторлық ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тұланадиган энг күп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 23) қонун ҳужжатларига мувофик йирик битимлар ҳамда аффилланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимлар тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 24) Банкнинг устав фондини (устав капиталини) күпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав фондини күпайтириш ҳамда банкнинг зълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ үзгартыриш ва құпымчалар киритиш масалаларини ҳал қилиш;
- 25) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 26) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 27) Банкнинг корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қоғозларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 28) Банкнинг келгуси йилга мұлжалланган бизнес-режаси Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқұллаш;
- 29) Корпоратив бошқарув хизмати ҳамда унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш ва корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;
- 30) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- 31) Амалдаги қонунчилік ва мазкур Уставда Кузатув кенгаши ваколатига киритілген бошқа масалаларни ҳал қилиш.
53. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилген масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига үтказилиши мүмкін әмас.
54. Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:
- ұз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини күзлаб амалға ошириш ва Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Банкка ўз ваколатларига мос равища раҳбарлик қилишни таъминлаш;
Банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини таъминлаш;
Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
Банкни ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
корпоратив бошқариш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя қилиниши тўғрисидаги хисоботни йиллик Умумий йигилишга тақдим этиш.

55. Кузатув кенгаши аъзолари сони камида 7 (етти) кишидан иборат бўлиши керак.
Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак,
бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

56. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларидан сайланади. Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари Кузатув кенгаши аъзолари орасидан Кузатув кенгаши раиси томонидан тайинланади.

57. Банк бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

58. Кузатув кенгаши аъзолари бир йил муддатга сайланади ва чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

Кузатув кенгашига кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари келишгандан сўнг белгиланган тартибида сайланади.

Марказий банк банк Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

59. Кузатув кенгаши раиси бўлмаганда унинг функцияларини ўринбосар ёки Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

60. Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

Банк акциядорлари;
Марказий банк;
Кузатув кенгаши аъзоси;
Тафтиш комиссияси;
Банк бошқаруви;
Банк ички аудит хизмати раҳбари;
Корпоратив маслаҳатчи;
Банкнинг ташки аудитори талаби бўйича чақирилади.

61. Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш, овоз бериш ва карорлар қабул қилиш тартиби Умумий йигилиш томонидан тасдиқланадиган Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

62. Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бўйича карорлар кўпчилик, овозларнинг камида учдан икки қисми билан қабул қилинади, Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан карор қабул қилишда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади. Кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши аъзолари белгиланган сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

63. Овоз бериш хукуқи Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

64. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижро этувчи орган - раис раҳбарлигига ишлайдиган камида 7 (етти) аъзодан иборат Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқарув аъзоларини тайинлаш (тасдиқлаш) хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

65. Банк Бошқаруви раиси Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва Умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари Бошқарув раисининг тақдимномасига кўра Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибда тайинланади.

Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларига кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишгандан сўнг белгиланган тартибда тайинланади.

Марказий банк банк Бошқаруви аъзолигига ва ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишининг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юборади.

66. Банк бошқаруви:

1) Банкнинг жорий фаолиятига тезкор раҳбарликни ташкил этади ва амалга оширади;

2) Банк бошқаруви ваколатига кирувчи масалалар бўйича Акциядорлар умумий йигилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди;

3) Банк марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари ва филиаллари раҳбарларининг Банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ва ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги шунингдек, улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқади;

4) Банк бўлинмалари иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойихалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

5) Банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади;

6) Банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳаки миқдорини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

7) заарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

8) Банк томонидан Марказий банк белгилаган иқтисодий нормативларга, Марказий банкда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

9) Банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активларга қарши уларни классификация қилиш асосида захиралар яратилишини таъминлайди;

10) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга ва халқаро стандартларга мувофиқ Банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи юритилиши ҳамда молиявий ҳисботини тайёрлашни ташкил этади;

11) Банкнинг марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларини ва филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатади, Банкнинг кадрлар таркиби тайёрланишини ва қайта тайёрланишини таъминлайди;

12) Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этади;

- 13) Кузатув кенгаши олдида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисбот беради;
- 14) Кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Кузатув кенгаши ваколатларига таалтуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;
- 15) Банк бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қиласди;
- 16) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларига риоя қилиш, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлигини лозим даражада саклаб туриш сиёсатини амалга оширади;
- 17) банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлайди;
- 18) банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- 19) банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йигилишига ва кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисботни даврий равища тақдим этади;
- 20) Банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички ҳужжатларни тасдиқлайди, тасдиқланиши Умумий йигилиш ва Кузатув кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;
- 21) ишчи органларни, шу жумладан Банк қўмиталарини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
- 22) Баланс қиймати банк соф активлари микдорининг 15 (үн беш) фоизигача ташкил этган битимлар жумладан, мол-мулкларни сотиш (реализация қилиш) тўғрисида қарор қабул қиласди;
- 23) Банк фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади.
- 24) Бошқарувнинг ваколатига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.
67. Банк Бошқаруви Банк Устави асосида иш юритади.
68. Банкнинг Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у банк номидан ваколати доирасидаги ҳужжатларни ҳамда Банк бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.
- Банкнинг умумий йигилиши томонидан тайинланадиган Бошқаруви таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилишинига бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.
69. Бошқарув раиси:
- Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди;
- Банк номидан битимлар тузади;
- Банкнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини ёки вақтинча бошқарувчини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди;
- Банкнинг ваколатли вакилини тайинлайди ва банк манфаатларини ифодалаш мақсадида ишончнома тақдим этади;
- Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

70. Банк бошқаруви аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари тегишинча, Банк уставида ҳамда уларнинг ҳар бири банк билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш Кузатув кенгашининг раиси ёки Банк кенгаси ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

71. Банк бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, тўлаш шартлари банк филиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

72. Банк бошқаруви ва Банкнинг тегишли бўлинмалари раҳбарлари Банк ҳисботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

73. Банк Бошқаруви Кузатув кенгасига ҳисбот беради.

74. Банк бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан Кузатув кенгаси ёки Кузатув кенгаси ваколат берган шахс имзолайди, Бошқарув раисининг ўринbosарлари, Бошқарув аъзолари ва банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини Банк бошқаруви раиси имзолайди.

75. Банкнинг филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари Банк бошқаруви раиси томонидан тайинланади ҳамда Бошқарув раиси Банк номидан Банк филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари билан меҳнат шартномалари тузади.

76. Банк ходимлари мазкур Уставга ва қонун хужжатларига мувофиқ Банк бошқаруви раиси ёки банк филиали раҳбарлари билан меҳнат шартномаси тузадилар.

77. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Банк филияти учун ваколатлари доирасида жавоб беради.

Банк Бошқаруви мажлисларини Банк Бошқаруви раиси, раис бўлмаган ҳолда унинг ўринbosарларидан бири олиб боради ва Банк Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.

Банк Бошқаруви қарорлари ва баённомалари Бошқарув аъзоларининг учдан икки қисми томонидан имзоланганда ваколатли ҳисбланади. Банк Бошқарув Қарорлари ва мажлис баённомаларида кўрилаётган масалалар бўйича Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Бошқарув томонидан қарор қабул қилишда банк Бошқаруви раисининг ҳал китувчи овоз ҳисбланади.

Банк Бошқаруви мажлисини видео-конференц-алоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

78. Банк бошқаруви зарурият туғилиши билан Банк акциядорларига, Банкнинг йиллик ҳисботларини ҳамда Банкнинг молиявий филиятига тааллуқли бошқа маълумотларни тақдим этиши шарт.

9-БОБ. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

79. Кузатув кенгаси аъзолари ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришда Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар ва белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Банк олидидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

80. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган Кузатув кенгаси аъзолари, Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

10-БОБ. БАНК ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ВА АФФИЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ

81. Банк йирик битимлар тузишида ва битим тузилишидан манфаатдор (аффилланган) шахслар билан тузиладиган битимлар қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг

зъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган зъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласи бўйича Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йигилишига ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари микдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Йирик битим Банк акциядорларининг умумий йигилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Банк бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташки аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

82. Ушбу талаблар бузилган ҳолда тузилган битимлар суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

11-БОБ. БАНКНИНГ ҲИСОБИ, ҲИСОБОТИ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

83. Банк бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатига мувофиқ ташкил этади ва юритади ҳамда давлат бошқарувининг тегишли органларига молиявий ҳисботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

Банк ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади. Банк молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини қўллади.

84. Банк Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан замана икки хафта олдин эълон қиласди.

85. Молиявий (бухгалтерия) ҳисботининг ишончлилигини, унинг молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини текшириш ва тасдиқлаш учун Банк шартнома асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотини жалб қиласди. Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов якунларига кўра Умумий йигилишга, Кузатув кенгашига Банк бошқаруви томонидан тавсия қилинади.

86. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

87. Банк Банк фаолияти давомида шаклланадиган ҳужжатларнинг лозим даражада ҳисобга олиниши, сақланиши ва ундан фойдаланилишини таъминлайди.

Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддат мобайнида ҳужжатларнинг сакланишини таъминлайди.

Банк ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат томонидан саклаш учун берилади.

12-БОБ. БАНКНИНГ МОЛИЯ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

88. Банкнинг молия фаолиятини назорат қилиш Умумий йигилиш томонидан З (уч) зъзодан иборат сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Шунингдек, банкнинг тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини ташки аудиторлик ташкилотлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Айни бир шахс Банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

89. Тафтиш комиссияси аъзолари айни бир вақтда Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши, шунингдек, Банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

90. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзларига юклangan мажбуриятларни ҳалол бажарилиши учун жавоб берадилар.

91. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) иш тартиби ва унинг ваколатлари Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

92. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўтказилган тафтиш тўғрисидаги хуносани Умумий тақдим этади.

93. Банкнинг молия фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) унинг молиявий йилдаги фаолияти якунлари бўйича шунингдек, Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ташабуси, Умумий йиғилиш, Кузатув кенгашининг қарори ёки Банк акциядорларининг талаби бўйича амалга оширилади.

94. Банкнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд узуши банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни амалга ошириш.

13-БОБ. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

95. Банкни қайта ташкил этиш ракобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари хисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ кўшиб кубориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг руҳсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

96. Банкни тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-БОБ. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

97. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади шунингдек, унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Марказий банкда рўйхатга олинади.

Бошқарув Раиси

Ф.И. Саламов